

“ТАСДИҚЛАНГАН”
“Ўзавтосаноат” АЖнинг ягона акциядорининг
2022 йил “30” апрелдаги 4-2022-сонли
қарори билан тасдиқланган “Ўзавтосаноат”
АЖ Кузатув кенгаши тўғрисида низомнинг
4-иловаси

**“ЎЗАВТОСАНОАТ” АЖ
КУЗАТУВ КЕНГАШИ ҲУЗУРИДАГИ
ТАЙИНЛАШ ВА РАЎБАТЛАНТИРИШ БЎЙИЧА
ҚЎМИТА ТЎҒРИСИДА
НИЗОМ**

Тошкент 2022 йил

I. Умумий қоидалар

1.1. “Ўзавтосаноат” акциядорлик жамияти Кузатув кенгашининг Тайинлаш ва рағбатлантириш бўйича қўмитаси тўғрисидаги Низом (кейинги ўринларда – Низом) Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги навбатдаги ислохотлар тўғрисида”ги 2022 йил 8 апрелдаги ПФ-101-сон Фармониغا, Вазирлар Маҳкамасининг “2021-2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислох қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2021 йил 29 мартдаги 166-сон қарорининг 1-иловаси билан тасдиқланган “2021 - 2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислох қилиш стратегиясига, “Ўзавтосаноат” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда – Жамият) уставига, Корпоратив бошқарув кодексига, Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низомга ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.2. “Ўзавтосаноат” АЖ Кузатув кенгашининг Тайинлаш ва рағбатлантириш бўйича Қўмита (кейинги ўринларда - Қўмита) корхона Кузатув кенгаши қарори билан ташкил қилиниб, Жамиятнинг кадрлар, уларнинг ташкилий ривожланиши ва рағбатлантириш соҳасида олиб бораётган сиёсатининг шаклланиши, назорати, мувофиқлаштируви ва келишувини амалга оширувчи орган ҳисобланади.

1.3. Қўмита ўзига тегишли бўлган ҳуқуқий мақоми, ташкил этилишидаги мақсад ва вазифалари, унинг аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, Қўмита ваколоти, Қўмитанинг ташкил этилиши ва қабул қиладиган қарорларини тартибга солувчи Низом асосида фаолият юритади.

1.4. Қўмита ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, Жамият Устави, Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низом, акциядорлар (иштирокчилар) умумий йиғилиши, мулкдор ва Жамият Кузатув кенгаши қарорлари ва Жамиятнинг бошқа ички меъёрий ҳужжатлари асосида иш юритади.

II. Қўмитанинг мақсад ва вазифалари

2.1. Қўмитанинг ташкил этилишининг асосий мақсади Жамиятнинг кадрлар, уларнинг ташкилий ривожланиши ва рағбатлантириш соҳасидаги олиб бораётган сиёсатининг шаклланиши, назорати, мувофиқлаштируви ва келишувини амалга оширишдан иборат.

2.1.1. Қўмитанинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- Кузатув кенгаши ҳамда Жамиятнинг кадрлар сиёсати ва ташкилий ривожланиши бўйича қарорлари, шунингдек ички ҳужжатлари ижросини назорат

қилиш;

- Жамиятнинг самарали бизнес-жараёнлари соҳасидаги ҳаракатларини мувофиқлаштириш;

- Жамият бошқарув раиси, ижро этувчи органи аъзоси ҳамда мансабдор шахсларининг акциядорлар (иштирокчилар) умумий йиғилиши, мулкдор ва Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан тайинланадиган ёки сайланадиган номзодлар бўйича таклифлар (тавсиялар)ни шакллантириш;

- Жамият бошқарув раиси, ижро этувчи орган аъзоларини ҳамда бошқа мансабдор шахсларининг рағбатлантириш (рағбатлантирилиши) тизими бўйича таклифлар (тавсиялар)ни шакллантириш;

- Жамият бошқарув раиси, ижро этувчи орган аъзоларини ҳамда бошқа мансабдор шахсларининг фаолиятини таҳлил қилиш ва баҳолаш;

2.1.2. Жамиятнинг Кузатув кенгашига кўриб чиқиши учун олиб чиқиладиган қуйидаги ҳужжатларни олдиндан кўриб чиқиш ва келишиш:

- Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзоларига ҳақ ва (ёки) компенсация тўлаш бўйича қарор қабул қилиш учун Жамият акциядорлари (ҳиссадорлари) умумий йиғилиши кун тартибига масалани киритиш;

- Жамиятнинг ички ҳужжатларини тасдиқлаш (Жамият акциядорлари (иштирокчилари) умумий йиғилиши (мулкдор қарор) ва ижроия органи ваколатлари доирасидаги ички ҳужжатлар бундан мустасно) шу жумладан қуйидаги тартибга солувчи масалаларни киритиш:

- Жамиятнинг ташкилий тузилмаси (Жамиятнинг ташкилий тузилиши, бошқарув аппаратининг умумий тузилиши ва Жамиятнинг фаолият жараёнининг кўриниши);

- Жамият бошқаруви раиси ва бошқарув аъзоларини рағбатлантириш тизими ҳамда Компания ходимларини рағбатлантириш соҳасидаги Жамиятнинг сиёсати;

- Жамият бошқарув раиси ва бошқарув аъзоларини сайлаш, уларнинг ваколатларини муддатидан олдин бекор қилиш, шу жумладан, улар билан меҳнат шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш;

- Жамият бошқаруви раиси ва бошқарув аъзолари билан тузиладиган шартномаларни (уларнинг ваколатлари муддати ва тўланадиган рағбатлантириш ҳамда компенсация миқдори қисмида) тасдиқлаш, уларга ўзгартириш киритиш ҳамда Жамият бошқаруви раиси ва бошқарув аъзолари билан тузиладиган шартномаларни Жамият номидан имзолайдиган ваколатли шахсни аниқлаш;

- Жамият бошқаруви раиси ва бошқарув аъзолари томонидан бошқа ташкилотларнинг бошқарув органи аъзоси бўлиши ва бошқа маблағ тўланадиган лавозимларни бирлаштиришини келишади;

- агар шундай вазият юзага келса, Жамиятнинг вақтинчалик ижро органи раҳбарини (бошқаруви раиси) тасдиқлаш қарорини қабул қилиш;

- Жамиятнинг ташкилий тузилмасини, Жамиятнинг ижро этувчи орган

(бошқаруви) тузилмасини такомиллаштириш ва уларга ўзгартириш киритиш;

- Жамиятнинг алоҳида лавозимларига номзодларни келишиш (кузатув кенгаши томонидан белгиланган лавозимлар рўйхати асосида);

- ижтимоий ва меҳнат муносабатларини тартибга солиш доирасида тузиладиган жамоа шартномаси ва битимларни олдиндан тасдиқлаш;

- Жамият бошқаруви раисини давлат мукофотларига тавсия этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш;

- Жамият бошқаруви раисини рағбатлантириш ёки интизомий жавобгарликга тортиш;

- Жамиятнинг (корхона вакилларининг) бошқа ташкилот бошқарув органи (шу жумладан Компания иштироки бор) ва Жамият томонидан ҳиссадор (иштирокчи) ҳуқуқлари амалга оширилган бошқа ташкилотларнинг умумий йиғилиш (мажлис) кун тартиби масалалари бўйича фикрини, қўмита ваколати доирасида Жамият кузатув кенгашининг қарорига асосланган ҳолда аниқлаш;

- юқорида қайд этилганлар билан боғлиқ бўлган бошқа масалалар (Жамиятнинг Кузатув кенгашининг бошқа қўмиталари ваколатига кирадиган масалалар бундан мустасно);

- Жамиятнинг Кузатув кенгаши топшириғи бўйича берилган бошқа масалалар.

III. Қўмита ҳуқуқлари

3.1. Қўйилган вазифаларни бажариш учун қўйидаги ҳуқуқларга эга:

3.1.1. Жамиятнинг ижро органи (бошқарув)дан ва раҳбар ходимларидан ва ўз фаолиятини юритиш учун зарур бўлган маълумот ва ҳужжатларни, шуниндек, Жамият иштирокидаги бошқа ташкилотлардан маълумотлар олиш ҳуқуқига эга;

3.1.2. Қўмита ваколатлари доирасидаги қарор ва топшириқларни бажариш, Қўмита йиғилишларида иштирок этиш мақсадида зарур бўлган ҳолатларда Қўмита раиси қарори билан Жамиятдаги раҳбар шахсларни, Жамият Кузатув кенгашининг бошқа Қўмита вакилларини даврий ёки мунтазам равишда таклиф этиш;

3.1.3. Қўмита фикрига кўра масалани чуқурроқ ўрганилишига зарур бўлса, Қўмита ваколатларига тегишли бўлган масала бўйича ўз ташаббусига кўра, Жамият Кузатув кенгашининг бошқа қўмиталарининг фикрини талаб қилиб олиш;

3.1.4. Қўмита вазифаларини бажариш мақсадида Жамиятнинг ички ҳужжатлари ва Жамият Кузатув кенгаши қарорларини ижро этиш доирасида, топшириқлар бериш;

3.1.5. Қўмитага тақдим этилаётган маълумотларнинг (маълумот, ҳужжатлар) таркиби ва кўринишига талаблар қўйиш;

3.1.6. Қўмита раиси ҳужжатларни кўриб чиқиш ва улар бўйича қарор қабул

қилиш мақсадида Қўмита аъзолари ва таклиф қилинганлар иштирокида оператив йиғилиш (видеоконференция, телефон ва бошқа алоқа воситалари иштирокида) ўтказиш ҳуқуқига эга;

3.1.7. Қўмита олдида қўйилган мақсад ва вазифаларни ҳал этиш билан боғлиқ бўлган муаммолар бўйича таклифлар тайёрлаш учун вақтинчалик ёки мунтазам равишда фаолият юритадиган ишчи гуруҳларни ташкил этиш;

3.1.8. Жамият Кузатув кенгаши томонидан тасдиқлаш учун Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

3.1.9. Жамият ижроия органи ва Жамиятнинг бошқамансабдор шахслари билан Қўмита олдида турган вазифаларни ҳал этиш учун зарур бўлган ҳамкорлик қилиш;

3.2. Қўмита ваколати доирасидаги ҳар қандай масала бўйича қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга;

3.3. Кузатув кенгашининг қарори билан Қўмитага қўшимча ҳуқуқлар ҳам берилиши мумкин.

IV. Қўмита мажбуриятлари.

4.1. Қўмита қуйидаги мажбуриятларга эга:

4.1.1. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Низом, Жамият Устави ва ички ҳужжатлари асосида ўзига юклатилган вазифаларни бажариш ҳамда ўз фаолиятини сидқидилдан олиб бориш;

4.1.2. Жамият акциядорларининг ҳуқуқлари, манфаатлари ва қизиқишларини ҳимоя қилиш принциплари асосида фаолият юргизиш;

4.1.3. Жамиятнинг тижорат ва хизмат сирларини ошкор этмаслик ҳамда махфийлик талабларини бажариш.

V. Қўмита таркиби ва уни тузиш тартиби

5.1. Қўмита Жамият Кузатув кенгаши қарори билан унинг аъзолари орасидан 3 кишидан иборат таркибда сайланади.

5.2. Қўмита аъзоларини сайлаш вақтида ўз ваколатларидан тўлақонли фойдаланишлари учун уларнинг маълумоти, касбий маҳорати, қўмита фаолияти соҳасидаги иш тажрибаси ва бошқа махсус билимга эга эканликлари инобатга олиниши зарур.

5.3. Жамият Кузатув кенгаши қарори билан Қўмитанинг ҳар қандай аъзосининг ваколатлари муддатидан олдин тугатилиши мумкин.

5.4. Қўмита раиси, шунингдек Қўмита аъзолари ҳам Жамият Кузатув кенгаши раиси ва Қўмита раиси номига ариза ёзиб ўз ваколатларини тўхтатишлари мумкин.

5.5. Қўмитага раҳбарлик қилиш ва фаолиятини ташкил этиш Қўмита раиси томонидан амалга оширилади.

5.6. Қўмита раиси Жамият Кузатув кенгаши йиғилишида иштирок этаётган

аъзоларнинг кўпчилик овози билан Қўмита аъзолигига сайланган номзодлар орасидан сайланади.

5.7. Жамият Кузатув кенгаши Қўмита раисини исталган вақтида қайта сайлаш ҳуқуқига эга.

5.8. Қўмита раисининг вақтинчалик йўқлигида раис вазифасини бажариб туриш аъзолардан бирига юклатилиши мумкин.

VI. Қўмитанинг иш регламенти

6.1. Қўмита ўз вазифаларини амалга оширишда Жамият Кузатув кенгашининг бошқа Қўмиталари раислари, Кузатув кенгашининг ва Жамият Тафтиш комиссияси аъзолари (Тафтишчи), Жамият бошқаруви раиси ҳамда Жамиятнинг бошқа мансабдор шахслари билан ўзаро ҳамкорликда олиб боради.

6.2. Жамият бошқаруви раиси ва Жамиятнинг бошқа мансабдор шахслари Қўмита раисининг сўрови асосида Қўмита ваколати доирасида бажарилиши зарур бўлган мақсад ва вазифаларни амалга оширилиш ҳамда қарор қабул қилиши учун маълумот ва ҳужжатларни тақдим этишга мажбурдирлар. Ушбу Қўмита томонидан сўралган маълумотлар агар Қўмита раиси томонидан юборилган сўровномада бошқа муддат кўрсатилмаган бўлса, 3 иш куни ичида тақдим этилиши зарур.

6.3. Қўмита фаолияти доирасида Қўмита раисининг шахсий имзоси билан тасдиқланган турли расмий ҳужжатлар расмийлаштирилиши мумкин. Қўмита йиғилиши (мажлиси) баённомалари, қарор, топшириқ, сўровномалар, хулоса ва хоказо шулар жумласидандир.

6.4. Қўмита ваколати доирасида қабул қилинган барча қарорлар қабул қилинган кунидан бошлаб, Жамият бошқаруви раиси, Жамиятнинг бошқа мансабдор шахслари учун ижро этиш мажбурийдир. Ушбу қарорларда кўрсатиб ўтилган мансабдор шахслар қарорнинг ўз вақтида ҳамда қарор ижросига мос равишда бажарилишига шахсан жавобгардирлар. Қўмита қарорлари ижросини назорат қилиш Қўмита раиси томонидан амалга оширилади.

VII. Яқуний қоидалар.

7.1. Ушбу Низом Жамият Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади ҳамда тасдиқланган санадан бошлаб кучга кирган ҳисобланади.

7.2. Ушбу Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки янги тахрирда тасдиқлаш тўғрисидаги қарорни Жамият Кузатув кенгаши томонидан Қўмита раиси ҳамда Жамият Кузатув кенгаши раиси ташаббуслари орқали амалга оширилади.